O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

2002 йил 23 апрель сешанба

Сотувда эркин нархда № 85 (2913)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 22 апрель куни Оқсаройда АҚШ Президентининг минтақавий масалалар бўйича ёрдамчиси, Оқ уй раҳбарининг Афғонистондаги махсус вакили Залмай Халилзодни қабул қилди.

Залмай Халилзод АҚШ Президенти томонидан Афғонистонга бежиз махсус вакил этиб тайинланмаган. У минтақамизни чуқур ўрганиб, муаммоларини тадқиқ этган арбоб.

Президент Ислом Каримов меҳмоннинг изланишлари билан яхши таниш эканлигини ва бу тадқиқотлар муаллиф минтақамиздаги вазиятни яхши англашидан дарак беришини таъкидлади.

— Сизнинг нуқтаи назар ва қарашларингиз кўп жиҳатдан Ўзбекистонники билан ҳамоҳангдир, — деди мамлакатимиз раҳбари.

Суҳбат чоғида минтақамизда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, Афғонистондаги вазият, Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларига оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

СУРАТДА: қабул пайти.
Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.



«TIME BUREAU» ЖУРНАЛИ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

Ҳиндистонда чоп этиладиган «Time Bureau» халқаро журнали апрель ойидаги махсус сонини Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги ривожланиб бораётган ҳамкорлик алоқаларига бағишлади.

Журналда ўзбек-ҳинд савдо ва иқтисодий алоқалари, мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида барча жабҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида ранг-баранг материаллар берилган.

«Time Bureau» шу йил 27 январда мамлакатимизда ўтган референдумга алоҳида мақола бағишлаган. «Ўзбекистондаги референдум — демократия намойиши» деб номланган мазкур материалда шундай сатрлар бор: «Референдум шуни кўрсатдики, халқ ўз иродаси ва жамиятда кечаётган жараёнларга бўлган шахсий муносабатини бемалол ифодалай олади. У одамлар тафаккурининг ўзгариши ва ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигининг янада ошишида муҳим омил бўлди».

Мақолада референдум чет эллик кузатувчилар ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида кенг демократик тамойиллар асосида, очиқ ва ошкора руҳда ўтганлиги алоҳида таъкидланган. Унинг муаллифи Ж.Гаутамнинг ўзи ҳам референдумда халқаро кузатувчи сифатида иштирок этган.

Журналда, шунингдек, Термиз шаҳрининг юбилейи, юртимиз маънавий-маданий ҳаётига оид бошқа кўплаб материаллар чоп этилган.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича Идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг Иқтисодий, молия ва банк соҳаларини ислоҳ қилиш, бозор тамойиллари ва механизмларини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Бош вазир ўринбосари Р. Азимов бошқарди.

Комиссия йиғилиши

Мажлисда Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги қошидаги Самарали иқтисодий сиёсат маркази томонидан ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда тузилмавий ўзгаришлар дастури тўғрисида»ги маъруза лойиҳаси муҳокама этилди.

Таъкидландики, иқтисодиётдаги тузилмавий ўзгаришлар узоқ муддатли дастурининг асосий йўналишлари Президент Ислом Каримов томонидан Олий Мажлис сессиялари, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича Идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисларидаги нутқларида белгиланган иқтисодий ислоҳотларнинг стратегияси ва устувор йўналишларига биноан ишлаб чиқилган.

Иқтисодиётда тузилмавий ўзгаришларнинг узоқ муддатли истиқболдаги мақсади иқтисодиётнинг экспортга йўналтирилган тузилмасини шакллантириш ва рақобатбардош, ички ва ташқи бозордаги ўзгарувчан талабнинг тузилмасига мослаштирилган, мамлакат иқтисодини барқарор ривожлантиришни таъминлаш ва аҳоли даромадларини ўстиришга қаратилган ишлаб чиқаришларни ривожлантиришдан иборат.

Тузилмавий ўзгаришларнинг ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган асосий ва тармоқ устуворликлари белгиланган. Дастур лойиҳасида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилган:

иқтисодиёт тузилмасини мавжуд табиий-иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда ўзгартириш;

иқтисодиётнинг саноат соҳасини жадал тараққий эттириш, бунда қайта ишлаш тармоғи ривожига устувор аҳамият бериш;

юқори самарали ишлаб чиқариш лойиҳаларига хорижий инвестицияларни кенгроқ жалб этиш;

(Давоми 3-бетда).

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ МАЖЛИСИ

Вазирлар Маҳкамасида Хорижий инвестициялар иштирокидаги йирик ва стратегик жиҳатдан муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг мажлиси бўлди. Унда кенгаш аъзолари ҳамда тегишли вазирлик, қўмита, компания, идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур кенгаш раиси К.Тўлаганов бошқарган мажлисда мамлакатимизда инвестиция дастурлари бажарилишининг биринчи чорак якунлари ҳамда галдаги вазифалар муҳокама этилди.

Иқтисодиёт тармоқларини янада ривожлантириш, корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва уларнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришда хорижий сармояларни жалб этиш муҳим ўрин тутади. Ана шу мақсадда иқтисодиётнинг барча соҳаларида йирик капитал маблағларни ўзлаштириш ва инвестиция дастурларини изчил бажариш учун қулай шарт-шароит муҳайё этилган. Шу боис мамлакатимизда бу борада салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда айрим ташкилотларда жорий йилнинг ўтган уч ойи мобайнида хорижий сармоялар ҳисобидан маблағ нисбатан кам ўзлаштирилгани кузатилди.

Мажлисда алоқадор вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарларига ишлаб чиқариш тузилмаларига янги технологияларни кенг жорий этиш, қўшма корхоналар ташкил қилиш ва хорижий сармоялардан унумли фойдаланишга эришиш бўйича белгиланган чора-тадбирларни ўз вақтида бажариш юзасидан зарур кўрсатма ва топшириқлар берилди.

(ЎзА).

Олий Мажлисда

Конвенция ва ижро

Кеча Олий Мажлис Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси ҳамда Оила ва аёллар муаммолари комиссиясининг қўшма йиғилишида «Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида»ги Халқаро Конвенциянинг Наманган вилоятида ижро этилиши кўриб чиқилди.

Аёллар сиёсий фаоллигини белгилайдиган муҳим кўрсаткичлардан бири — бу уларнинг раҳбарлик органларида тутган ўрнидир. Наманганда фаолият кўрсатаётган раҳбарларнинг 20,1 фоизи аёллардан иборат. Шунингдек, меҳнатга лаёқатли хотин-қизларнинг 31,1 фоизи меҳнат билан банд бўлган аёллардир. Вилоят таълим тизимида хизмат қилаётган профессор-ўқитувчиларнинг 29 фоизини хотин-қизлар ташкил этади.

Вилоятда хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган фаолият «Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида»ги Халқаро Конвенция ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилган хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги ҳақида 46-моддага асосланган миллий қонунчилик талабларини ҳаётга тўла татбиқ этишга қаратилгандир.

2002 йилнинг 27 январида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида вилоят хотин-қизларининг 90 фоизи ўз конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланиб овоз берган. Ҳозирда вилоятда 215 та жамоат бирлашмалари, нодавлатнотижорат ташкилотлари рўйхатга олинган бўлиб, улардан еттитаси хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тарғиботини олиб бораётган нодавлат ташкилотларидир.

Наманган хотин-қизлар қўмитасининг нашри «Аёл ва жамият», тадбиркор аёлларнинг «Бегойим» газетаси саҳифаларида хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган қатор мақолалар бериб борилмоқда. Қўмитанинг «Ахборот» бюллетени чиқарилмоқда. Вилоятда «Гулбаҳор» футболчи қизлар клуби, «Ҳумо» чим устида ҳоккей қизлар жамоаси ташкил этилган.

Бироқ вилоятда эришилган ютуқлар билан бир қаторда қатор камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Аввало, хотин-қизларнинг сайлаб қўйиладиган лавозимлардаги фаолияти талаб даражасида эмас. Масалан, биринчи чақириқ Халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгаши депутатларининг 5,2 фоизини аёллар ташкил этади. Вилоят хотин-қизларининг сиёсий партиялардаги иштироки у қадар сезилмайди.

Шунингдек, бўлиб ўтган қўшма йиғилишда кейинги йилларда Наманган вилояти Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган мураббийлар орасидан олимлар хусусан фан докторларининг етишиб чиқмаётганлиги алоҳида таъкидланди. Хотин-қизларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш борасида дастурлар ишлаб турган бўлса-да, вилоят бўйича меҳнатга лаёқатли хотин-қизлардан 17,3 фоизи иш билан банд эмас.

Қўшма йиғилишда кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими, кенгаш раиси У.Яманқулов бошқарди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармонининг бажарилиши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Вилоятда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга қаратилган Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини бажариш борасида анчагина ишлар амалга оширилди. Айниқса, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. «Соғлом авлод» давлат дастури асосида республика акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институтининг вилоят бўлими ташкил этилиб, уни тўлиқ таъмирлашга 19,5 миллион сўм маблағ ажратилди. Болаларни ўз вақтида соғломлаштириш учун реабилитация шифохонаси таркибида 20 та қўшимча ўрин ташкил этилди. Қишлоқ врачлик пунктлари тармоғи тобора кенгайиб бормоқда.

Вилоятда тиббиёт ходимлари малакасини мунтазам ошириб бориш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Шу мақсадда Жиззах шаҳрида ўрта тиббиёт ходимлар ва доришуносларнинг малакасини ошириш билим юрти ташкил этилди.

Шу билан бирга тиббий хизмат кўрсатиш маданиятини янада юксалтириш, аҳолига барча зарур шарт-шароитлар яратиш борасида талай муаммолар мавжуд. Арнасой, Зафаробод, Жиззах ва Зарбдор туманлари марказий касалхоналари таъмирталаб, зарур жиҳозлар ҳамда замонавий тиббий ускуналар етишмайди. Арнасой, Жиззах ва Зомин туманларида қишлоқ врачлик пунктларини қурилиши ва амбулаторияларни қишлоқ врачлик пунктларига айлантириш ишлари суст олиб борилмоқда.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1999-2005 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури тўғрисида»ги қарорининг ижроси тўғрисидаги ахборот ҳам тингланди. Шунингдек, сессияда депутатлар маҳаллий бюджетнинг 2001 йилдаги ижроси ва 2002 йилга мўлжалланган параметрларини тасдиқлади. Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Йўлчи ЖЎРА,
ЎзА мухбири.

Воқеа рўй берган жойда

Етти кунда бартараф этилди

... Ўша куни, яъни шу йилнинг 5 апрелида ҳавонинг авзойи бузуқ, осмонни қоп-қора булут қоплаб олди. Айниқса, деҳқонлар бундан ҳатто суюнишди ҳам. Чунки ёмғир ёғса яхши-да, ғаллага ҳам, ўтларга ҳам фойда беради. Лекин ҳақиқий аҳвол улар кутганчалик бўлмади, балки унинг мутлақо тескариси рўй берди.

— Кутилмаганда, дўл ёга бошлади, — дейди «Дашнабод» ширкат хўжалигининг раиси Абдуғаффор Аҳмедов, — ёққанда ҳам чамаси ўн-ўн икки минутгина ёғди. Лекин ҳар бир дўлнинг диаметри бир ярим, икки сантиметргача келарди. Шундай шиддат билан ёғдики, бир зумда ерни қоплаб олди. Шундоқ кўз ўнгимда ҳатто барглаб қолган дарахтлар ҳам шипшийдон бўлиб қолди. Дўл ҳаммадан ҳам бизнинг «Дашнобод»га кўп ёғди.

Ўша куни бу офат Сариосиё туманининг каттагина қисмига зарар етказиб улгурганди. Тумандаги 3234 гектар пахта экилган майдон, 2748 гектар бошоқ боғлай деб қолган ғаллазор, 1572 гектар боғ, 897 гектар узумзор, 43,7 гектар картошка ва сабзавот экилган майдонларга жиддий талафот етди.

Биргина «Дашнобод» хўжалигида 240 гектар суғориладиган ғалла майдони бузиб ташланиб, ўрнига чигит экилди. 230 гектар пахта майдони янгиланди. Хўжалик кўрган умумий зарар ярим миллиард сўмдан ошиб кетди. Туман миқёсида эса 2200 гектар пахта майдонига қайтадан чигит қадалди.

Лекин бир нарсани тан олиш керак, деҳқонларнинг руҳи тушгани йўқ. Айни пайтда хўжаликда ҳам, туманда ҳам табиий офат оқибатларини бартараф этиш охирги босқичга кириб бормоқда. Ана шундай кунларда Сариосиёга қўшни туманлар — Денов, Узун, Шўрчи ва Олтинсойдаги энг тажрибали деҳқонлар, механизаторлар ўз техникалари билан етиб келишди. Улар сариосиёликларга қўшилиб, икки ҳафтага яқин тиним билишмади. Катта-кичик далага чиқди. Инсон қулфатда билинади, деган нақл тўғри экан. Бундан ҳеч ким ўзини четга олмади. 100 га яқин ташкилот ўз техникаси билан ёрдамга келди.

Айни пайтда туманда бўлган киши табиий офат асоратлари бартараф этилганининг гувоҳи бўлади.

— Мени одамларнинг бирдамлиги, бир-бирига қайишиши ҳам ҳайратга солди, ҳам қувонтирди, — дейди Абдуғаффор ака гапида давом этиб. — Ва мен бу дунёда моддий бойликдан ҳам устун турадиган, ҳеч нима билан ўлчаб бўлмайдиган маънавий бойликларимиз сақланиб келинаётганига ишондим. Бу — бирдамлик, меҳрибонлик ва ҳамкорлик ришталаридир...

Табиий офат сариосиёликлар учун бир синов бўлди. Ва улар бугун ана шу синовдан муваффақиятли ўтдилар.

Исмат ХУДОЁРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Қудрат ХУДОЙБЕРДИЕВ,
жамоатчи мухбир.

«Назоратдан четда қолган» ошхоналар

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги қонуннинг Сурхондарё вилоятида бажарилиши билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қўмита томонидан тузилган ишчи гуруҳининг ўрганиш натижаларига кўра мазкур қонун ижроси бўйича талай ишлар қилинган. Жумладан, қўшни республикалардаги эпидемиологик вазиятни эътиборга олиб госпиталлар тайёрланган. Вилоят билан чегарадош давлатларга 6 та санитария-назорат пунктлари ташкил этилган. Бироқ... Текширув жараёнида бир қатор муҳим камчиликлар ҳам аниқланган. Озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш ва сотишда санитария талабларига ҳар доим ҳам риоя этилмаётир. Ушбу ҳолатлар вилоятнинг Шўрчи, Денов туманлари ва Термиз шаҳрида яққол кўзга ташланади. Сариосиёда учта ошхонада, Ангор туманидаги 2-, Музрабоддаги «Семурғ» ва 2-болалар боғчасининг санитария-гигена қоидаларига жавоб бермаслиги Олий Мажлиснинг ишчи гуруҳи текшириб аниқлагунга қадар бирор бир раҳбарни қизиқтирган эмас. Шунингдек бозорлар ва умумий овқатланиш корхоналарида ҳам кўплаб жиддий муаммолар мавжуд. Ҳозирги кунда вилоятда 306 та сув иншоотларининг 278тасида ҳимоя зоналари қурилган бўлиб, 28 тасининг санитария ҳимоя минтақаси тўлиқ девор билан ўралмаган. Энг ташвишланарлиси, вилоят саноати ва маиший объектлардан чиқаётган оқава сувларнинг биологик тозаланиш ишлари яхши йўлга қўйилмаган. Қўмита йиғилишига таклиф этилган мутасадди раҳбарлар иштирокида ана шундай ҳолатлар юзага келишининг, камчиликларга йўл қўйилишининг объектив ва субъектив сабаблари таҳлил қилинди.

Қўмита муҳокима қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Мавжуда ХОЛМАТОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЮРТИМИЗДА:

Кутубхоналарга файз кирди

«Маънавият ва маърифат» марказининг Каттақўрғон шаҳар бўлими китобхонлик ойлиги эълон қилди. Дастлаб мактаб ва коллежларда бошланган тадбир меҳнат жамоалари, маҳаллаларга кўчди. Кутубхоналарга файз кирди. Энг муҳими, ёшларда китоб ўқишга рағбат уйғонди.

Ўттиз миллион сўмлик саховат

Самарқанд вилоятининг Кимёгарлар кўрғонидаги 61-махсус мактаб-интернатда эшитиш қобилиятидан маҳрум болалар тарбияланади. «Зарафшонводийсув» бошқармаси ушбу мактаб-интернатга 30 миллион сўмликдан зиёд моддий ёрдам кўрсатди. Ташкилот кўмаги билан иссиқлик тармоғи таъмирланди. Байрам кунлари уларга совға-саломлар улашилди.

Интернат тарбияланувчилари бундай саховатдан беҳад мамнун бўлдилар.

«Нексия» учун қисмлар

«Андижон полимер» акциядорлик жамияти негизида пластмасса хомашёсини йиғадиган «Омад» корхонаси иш бошлади. «Ўз Корам Ко» қўшма корхонаси билан тузилган шартномага мувофиқ «Андижон полимер» ЎзДЭУавто» учун деталлар ва қисмлар ишлаб чиқармоқда. «Омад»да эса «Нексия» автомобилларининг бамперлари учун кронштейнлар, турли қопқоқлар, мева-сабзавотлар солинадиган кутилар ҳам ишлаб чиқарилятпи.

Соғлом оила — бахт бешиги

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан ташкил этилган илмий-услубий семинар «Репродуктив саломатлик — соғлом оилавий ҳаёт асоси» мавзуига бағишланди. Семинарда республикамизда кўзга кўринган етук мутахассис олимлар, пойтахтимиздаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўқитувчилари иштирок этишди. Анжуманда ёшларни соғлом оилага тайёрлашда давлат сиёсатининг ўрни, соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида амалга оширилаётган ибратли ишлар ҳақида тавсия, таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

ХОРИЖДА:

Пауэлл тез орада қайтади

АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл тез орада Яқин Шарққа қайтиб, ўз тинчликпарвар миссиясини давом эттиришини маълум қилган ва Исроилнинг Наблус ҳамда Ромоллоҳдан ўз қўшинларини олиб чиққанини қўллаб-қувватлаган.

Режа эълон қилинди

«Катта еттилик» молия вазирлари келажакда ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий инқирозлар ва террорчиликнинг олдини олишга ёрдам берувчи режани эълон қилишган. Вазирлар гуруҳининг маълумотида айтилишича, АҚШ, Канада, Италия, Буюк Британия, Франция, Германия ва Японияда олиб борилган иқтисодий сиёсат 11 сентябрь воқеаларидан сўнг юзага келган жаҳон иқтисодиётининг сусайишини енгишда кўмак бўлди.

Қўпорувчилик

Филиппин жанубидаги Хенераль-Сантос шаҳрида содир этилган қўпорувчиликлар оқибатида 14 киши ҳалок бўлган ва 50 дан зиёд киши тан жароҳати олган. Полиция тарқатган хабарга кўра, шаҳарда икки марта портлатиш амалга оширилган, улардан бири супермаркетга кириш олдида, иккинчиси эса аҳоли яшовчи ҳудудда рўй берган.

Яна диний низо

Ҳиндистоннинг Гужарат штатида юз берган диний низолар натижасида 17 киши ҳалок бўлган ва 90 дан зиёд киши жароҳатланган. Шу кунгача ушбу штатдаги диний низолар оқибатида 800 дан зиёд киши оламдан кўз юмди.

Саломат бўлай десангиз...

Янги илмий-тадқиқотлар медитациянинг нафақат инсон руҳи, балки танаси учун ҳам фойдали эканлигини кўрсатган. Шифокорларнинг фикрича, у орқали айниқса қария кишиларда атеросклероз ва инфаркт касалликлари ривожланишининг олдини олиш мумкин.

«Халқ сўзи», «Туркистон пресс», «Интернет».

ДИҚҚАТ: ТАНЛОВ!

«Ўзбеккино» компанияси «Бугунги кун қаҳрамони» мавзусида киносценарийлар танлови эълон қилади.

Танловга юборилган асарларда миллий истиқлол ғояси тантанаси, турмушимиз ва тафаккуримизда рўй берган ўзгаришлар; адолат ва эзгулик йўлида матонат кўрсатаётган, Ватан манфаати учун фидокорлик намойиш қилиб яшаётган ва меҳнат қилаётган замондошимиз сиймоси, унинг маънавий дунёси, эътиқоди, орзу-ўйлари, интилишлари умумлашган бадиий-фалсафий ва ҳаётий заминда теран акс этган бўлиши керак.

БУГУНГИ КУН ҚАҲРАМОНИ

ҒОЛИБЛАР УЧУН МУКОФОТЛАР:

Биринчи мукофот — 1.000.000 сўм.
Иккинчи мукофот — 750.000 сўм.
Учинчи мукофот — 500.000 сўм.

Асарлар 50-60 саҳифадан ошмаслиги ва уч нусхада, 2002 йил 1 августга қадар «Ўзбеккино» компаниясига жўнатилиши лозим. Танлов август ойида якунланади ва ғолиблар аниқланади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 98-уй, «Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси.
Телефонлар: 144-67-53, 144-67-54, 144-67-66



Ўзбекистон — АҚШ

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг АҚШга қилган давлат ташрифи тарихга айланди. Ушбу сафар ҳали узоқ вақт жаҳон оммавий ахборот воситаларининг диққат марказида бўлажак, давлат арбоблари, сиёсатчилар, журналистлар томонидан шарҳланажак. Негаки, АҚШ ва Ўзбекистон Президентларининг мулоқоти ёлғиз икки мамлакатга оид воқеа бўлиб қолмай, балки минтақавий аҳамиятга эга бўлган, Марказий Осиё келажак қисматига боғлиқ, жаҳонда 11 сентябрь воқеаларидан сўнг юзага келган ўзгача сиёсий вазият, янгича муносабатларнинг меҳварида турган улкан ҳодиса бўлди.

Эркин ВОҲИДОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони

ТАШРИФ. ТАРИХ. ТАҚДИР.

Дарҳақиқат, кейинги ўн йил давомида давлатимиз раҳбарининг барча юксак дунё минбарларидан қилган мурожаатлари, огоҳликка чорловлари бежиз эмас экани оламга ниҳоят аён бўлди. Афғонистондай ички низолардан абгор бўлган юртда дунёга таҳдид солувчи ёвуз куч етилаётганига тараққий этган мамлакатлар ишонмайроқ қарадилар. Мен Юртбошимизнинг Англия, Франция, Италия давлати раҳбарлари билан юзма-юз суҳбатларининг гувоҳи бўлганман. Аср балоси тўғрисидаги И.А.Каримовнинг оғриқли сўзларига улар тилда хайрихоҳлик билдириб, сиёсатдонлик билан муомала қилсалар-да, амалий ҳаракатни ҳатто хаёлларига келтирмадилар. Бундай бепарволик, беписандлик Ғарб учун қимматга тушди. Айниқса, Америка халқи оғир мусибатни бошидан кечирди.

Нью-Йорк, Вашингтон даҳшати дунёнинг кўзини очди. Жаҳолат нақадар қудратли кучга айланиши аён бўлди.

Аён бўлди, дейману инсон табиатининг ожизлигини ўйлайман. Ажабо, ақлу идроки шу қадар юксакликка кўтарилган инсон, тарих сабоқларини ўтган, минг йилларнинг сарҳисобини қилган инсон нега фалокат ўз бошига келмагунча хотиржам юраркин? Нега ўзидан нарироқда ёнаётган ўтга бепарво қараркин? Эртага менинг ҳам уйим ёниши мумкин, деб ўйлаламикин? Олис сайёраларгача бориб етган тафаккур шу қадар ожизми?

Нью-Йорк шаҳрида куни кеча мағрур қад кўтариб турган, дунёнинг энг баланд бинолари бўлган Жаҳон савдо маркази харобаларига изтироб билан қараб туриб, 1999 йил февралда Тошкент шаҳрида содир этилган ёвуз портлатишлар, бегуноҳ қурбонлар кўз олдимдан ўтди. Мамлакатимизни мислсиз офатдан Яратганнинг ўзи асради. Йўқса, лаҳза ичида юрт қонли можароларга чўкиши мумкин эди.

Аслида Америка қаёқдаю Ўзбекистон қаёқда. Бири Ернинг бу палласида, иккинчиси бошқа палласида. Ўртада қитъалар, уммонлар, тузумлар, тушунчалар, бошқа-бошқа ҳаёт тарзи, тараққиёт даражаси. Лекин бу икки мамлакатни бугун ягона мақсад бирлаштирди. Бу — тараққийпарвар инсониятнинг энг биринчи душмани — замонанинг энг катта офати бўлган терроризм ўчоқларини янчиб битириш, инсонлар ҳаётини хоҳ ерда, хоҳ осмонда бўлсин, хатардан озод этиш мақсадидир. Бизларни чекилган азият, жабрдийдалик бирлаштирди. Вашингтон ва Нью-Йоркка ҳам, Тошкентга ҳам чангал урган ёвузликнинг қавми, уруғи бир, машқ ва таълим кўрган ери бир, кураш услуби, нияти бир. Маслак — диний мутаассиблик, қурол-жаҳолат, услуб — номардлик, олчоқлик.

И.А.Каримовнинг АҚШ тупроғига қадам қўйиб даставвал тилга олгани яна бир карра ҳамдардлик сўзлари бўлди, Америка халқининг чидам ва бардошига, қатъиятига, ёвузликка қарши курашда бирлашиб бутун тараққийпарвар инсониятни жипслаштира олган иродасига тасанно сўзлари бўлди. Бу сўзлар террор офатини бошдан кечирган мамлакат раҳбари, ўз жонига қилинган суиқасддан бахтли тасодиф билан омон қолган инсон тилидан айтилгани учун ҳам ғоят таъсирли ва залворли эди.

Америка Қўшма Штатларида Ўзбекистон раҳбарига кўрсатилган эътибор, алоҳида ҳурмат Президент Жорж Буш билан мулоқотдан бошланди. АҚШ давлат раҳбари бу учрашувга улкан аҳамият беришини намойиш этган ҳолда суҳбатга АҚШнинг олий даражадаги раҳбарлари, министрларни ҳам таклиф қилди ва учрашув ғоятда самимий, дўстона вазиятда ўтди. Президент Ж.Бушнинг: «Ҳамма билиб қўйсин, биз Ўзбекистон билан энди стратегик шерикмиз», деб айтган сўзлари шунчаки лутф эмас, балки кўп йиллик синовлардан ўтган, бугун шартномавий ҳужжатлар бўлиб муҳрланган муносабатларнинг ифодаси эди.

Ўзбекистон давлат раҳбари учун ажратилган муҳташам бино ўша кунлари турли давлат, жамоат арбоблари, журналистлар билан гавжум бўлди. АҚШ Президентининг хос меҳмонлари яшайдиган Блеер Хауз қароргоҳи тарихда «Маршалл плани» номи билан машҳур ҳужжат имзоланган, қитъанинг энг қадимий, эъзозли биноларидан биридир. Қадимий деган сўз албатта нисбий. Америкада икки юз йил аввалги обида ҳам кўҳна саналади. Негаки, қитъанинг ўзи ёш.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин хароб бўлган Оврупони тиклаш режаси Америкада бундан эллик беш йил муқаддам ишлаб чиқилган ва ўша вақтда АҚШ Давлат котиби бўлган Жорж Маршалл номи билан боғликдир. Бугунги тараққий топган Оврупо ўша узоқни кўзланган режа туфайли қад кўтаргани сир эмас. Блеер Хаузнинг жиҳозларидан ўша замон руҳи келиб туради. Тарихий ҳужжат имзоланган муҳит асл ҳолида сақланган.

Президент И.Каримовнинг шу бинода истиқомат қилгани мажозий маъно касб этади. Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида имзоланган тарихий Декларация ва шартномалар мамлакатимиз учун янги вақт ўлчовининг бошланиши, келажак тараққиёт учун катта умидлар уйғотувчи омил бўлса ажаб эмас.

Элда қадр топмоқ истаган инсон аввало ўзини қадрламоғи керак. Мамлакатлар ҳам шундай. Ўзбекистоннинг Жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеини биринчи навбатда унинг мустақил ва дадил ички ҳамда ташқи сиёсати, ўз миллий, тарихий қадриятларини тиклашга бўлган иродаси, ижтимоий тараққиёт йўлидаги ўлчовли, вазмин, залворли қадамлари белгилаб турибди.

Янги давлат, янги жамият қуриш ҳеч қачон, ҳеч бир ерда осонлик билан кечмаганидек, мамлакатимизнинг босиб ўтган йўли ҳам гулларга бурканган йўл эмас. Бу ҳар бир ватандошимиз чуқур англаши ва ҳис қилиши лозим бўлган мураккаб жараён, курашлардан иборат тарихдир. Бу тарихнинг асосий босқичлари Юртбошимиз асарларида баён қилинган. Ҳали у илмий ва бадиий китоблар бўлиб, кино асарлари бўлиб барча қарама-қаршиликлари, чигалликлари билан ҳаққоний таҳлил этилар ва келажак авлодларга қолдирилар. Ўша асарларга менинг бу чизгиларим ҳам, шу замоннинг ҳаяжонлари, қувончлари, изтиробларига ошно бўлиб бир қалбнинг садолари бўлиб қўшилса ажаб эмас.

Ўзбекистоннинг мустақиллик йўлидаги одимлари расмий мустақилликдан анча илгари қўйилган эди. 1990 йил март ойида ҳали шўро давлати қудратли эканида, ҳали комфирқа сафлари мустаҳкам турган замонда собиқ совет республикалари ичида биринчи бўлиб Ўзбекистонда Президент лавозимининг жорий этилгани ва И.А.Каримовнинг ушбу лавозимга сайлангани дунё учун кутилмаган ҳодиса бўлди. Мустақиллик учун курашни анча аввал бошлаган Болтиқбўйи республикалари эмас, БМТ аъзолари ҳисобланган Украина ёки Белоруссия эмас, балки энг «одобли» ўлкалардан саналган Ўзбекистоннинг бундай исёнкор қарори Москвани лол қилиб қўйди. «Сен тушиб қолган бу вазиятдан қандай чиқамиз? Буни ўйлаб кўришимиз керак», — деди ўшанда М.Горбачев И.Каримовга. Лекин, Ўзбекистон Президенти бу вазиятдан чиқишни, орқага қайтишни хаёлига ҳам келтирмас эди. Ўзбекистон дастлаб ўшанда бутун дунёнинг, жумладан Америка Қўшма Штатларининг назарига тушган бўлса ажаб эмас.

1996 йилда Олий Мажлис «Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида» қонунни қабул қилди. Унда мамлакатимизнинг тинчликсевар ташқи сиёсати баён этилди ва ҳеч қандай ҳарбий Иттифоққа қўшилмаслиги белгилаб қўйилди.

Бундай қонуннинг қабул қилиниши аслида ғайриоддий ҳодиса эмас. Лекин муайян вақт, муайян шароитда бу жасоратли қадам эди. Ўша кезларда собиқ империяни қайта тиклаш орзумандлари НАТОга қарши мустақил давлатлар ҳамдўстлигидан иборат ҳарбий иттифоқ тузиш ғоясини астойдил олға сураётган эдилар. Ўзбекистоннинг бу қадами аввало ана шу ғояга зарба бўлди. Сўнгра отдан тушса ҳам эгардан тушмаган баъзи сиёсатдонларни ҳушёр торттирди. Балки шунда дунёнинг, жумладан, АҚШнинг Ўзбекистонга яна бир бор назари тушган бўлса ажаб эмас.

1999 йилда Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари ўртасида тузилган коллектив мудофаа шартномаси муддатининг узайтирилиши тўғрисида ҳужжатга имзо чекмади, яъни ушбу шартномадан чиқишини эълон қилди. Аслида халқаро амалиётда коллектив мудофаа битимлари эзгу ниятда тузилади. Уларнинг мақсади ташқи хатардан ўзаро биргаликда ҳимояланиш бўлади. Лекин МДҲ лидери, улкан ҳарбий салоҳиятга эга бўлган Россия Федерациясининг ўша замондаги раҳбарлари амалда бундай ниятдан йироқ эканликларини намойиш этдилар. Ўзбекистонга жануб томондан реал хавф тўғилганда талаб этилган мададни бермадилар.

Ўзбекистоннинг коллектив мудофаа шартномасидан чиқиши бир томондан субутсизликка қарши исён бўлса, бошқа томондан ўз қудратига ишонч белгиси эди. Бу ҳам дунё эътиборидан четда қолмади.

Мамлакатимизнинг мустақил, мардона қадамларига яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. «Пахта иши» қурбонларини оқлаш, Соҳибқирон Амир Темур номи ва шаънини тиклаш, ислом маданиятининг буюк намояндаларини эъзозлаш, ёдгорликлар қўйиш... Буларнинг барчаси улкан бунёдкорлик ишлари билан қўшилиб, бугунда Ватанимизнинг жаҳоний қиёфасини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистоннинг қадрини ва қаддини кўтарган яна бир буюк омил бор. Бу меҳнаткаш, сабр-бардошли, ғурурли халқимиздир. Шундай халқнинг раҳбаригина дунёнинг энг қудратли давлатларида ҳам мағрур бош кўтариб, ишонч билан сўзлаши, тенглар ичида тенглардек мунозаралар қилиши мумкин. И. А. Каримов АҚШ сармоядорларига: «Биз ёрдам сўраб, қўл узатиб келганимиз йўқ, ҳамкорлик нияти билан келдик. Еримиз бой, саховатли, халқимиз меҳнаткаш, бағри кенг. Келинг, бирга ишлайлик. Сиз ҳам фойда кўринг, биз ҳам», деган сўзлар билан мурожаат қилди. Аслида мамлакатга барака келтиришнинг тайин йўли шу. Қўлдан берганга қуш тўймас, дейдилар. Тенг шерикчиликда эса тенг барака.



Ўзбекистон янги мустақилликка эришган йилларда дунё ёш давлатимизнинг дастлабки қадамларини қизиқиш билан кузатган эди ва турли сиёсатдонлар турлича гумонлар қилгандилар. Бировлар, Ўзбекистон ҳам бошқа ёш мустақил давлатлар қатори ҳали узоқ вақт Россия орбитасида айланади, десалар, бошқалари Туркиядек тили бир, дини бир улуғ мамлакат бор, Ўзбекистон унинг этагидан тутади, деб башорат қилдилар. Мамлакатимиз ўзининг дастлабки қадамларини унутилган миллий, диний қадриятларни тиклашдан, Имом Бухорий, Имом Термизий каби буюк муҳаддисларимиз руҳини йўқлашдан бошлаганда Ўзбекистонда Эрон ёки Покистон каби ислом давлати қурилса ажаб эмас, дегувчилар ҳам бўлган. Лекин Ўзбекистон ўз тарихий қисматига, ўз қадриятларига асосланган ҳолда демократик тараққиёт йўлини танлади ва бу йўлда вазминлик билан оҳиста, аммо собит қадамлар қўйди. Ўзбекистоннинг ўз танлаган йўлидан қайтмаслигига дунё ишонч ҳосил қилди. АҚШ ва Ўзбекистон муносабатларининг замирида ҳам шу ишонч ётибди.

Ўзбекистон — тарихи улуғ мамлакат. Халқимизнинг дунё билан алоқалари куни кеча пайдо бўлган эмас. «Элчи» деган содда ўзбекона сўзнинг тарихи неча асрларга туташ эканини биров ҳисоблаб чиқмаган. Балки бу атама Буюк Ипак йўллари қадар қадимийдир.

Амиркон кавиш-махси, Банорас тўн кийиш, Чиний косада Кобулий шўрва ичиш, Балх тутининг майизини еб Сандалда исиниб ўтириш халқимизга янгилик эмас. Сандалнинг Ҳиндистонда ўсадиган хушбўй дарахт номидан олинганику аниқ. Балки момолар ўрайдиган дока рўмол ҳам Банголанинг Дакка рўмоли бўлса ажаб эмас.

Тошкентнинг Чорсу бозори икки минг йил илгари ҳам шундай гавжум бўлгандир. Бу ён Самарқанд дарбозаси, у ён Қашқар дарбозаси — ўн икки дарбозадан карвонлар турна қатор бўлиб Бейжиндан Андалузиягача, Банголадан Аштархонгача қатнаган замонларда ҳам ўзбеклар ери обод бўлган, тиллар, динлар, ирқлар турфа эса-да, турмуш, бозор, меҳнат, насиба ўртада бўлган. Қонимизда мавжуд тарихий хотира бугун уйғониш жараёнида.

Мустақиллик ўзбек халқига тарихий имконият берди, катта дарёларга қўшилиб оқиш, жаҳон уммонларига чиқиш йўлларини очиб юборди.

Америка Қўшма Штатларига қилинган ушбу давлат ташрифи ана шу Буюк Имконнинг ёруғ кўзгусидир. Қатрада қуёш акс этгани каби баъзан бир лаҳзада бутун бир тарих намоён бўлади. Оқ уйда икки Президентнинг бир-бирига очиқ чеҳра билан қўл бериб турган лаҳзаларида мустақил Ўзбекистоннинг ўн йиллик босиб ўтган йўли мужассам бўлгандай.

Юртимизда демократик қадриятлар тўла қарор топди, дея даъво қилсак муболаға бўлади. Айниқса, сўз эркинлиги борасида қилажак ишларимиз кўп. Лекин бу соҳада биздан анча илгарилаб кетган Россия матбуоти, телеканалларининг баъзи «эркинлик»лари кишини ҳайрон қиладди. Уларнинг АҚШ ва Ўзбекистон ўртасидаги олий даражадаги учрашувларга, худди маслаҳатлашиб олгандай лом-мим деб муносабат билдирмаганлари ҳайратлидир. Дунё ахборот воситалари бу ҳодисани кенг шарҳлагани ҳолда улар на ижобий, на салбий фикр айтдилар. Гўё бундай ташриф умуман бўлмагандай.

Шундай пайтда чинакам сўз эркинлиги нима-ю, бағри кенглик, ҳалоллик нима эканлиги тўғрисида ўйлайсан. Ён қўшни севинчидан суюниш, ғаму андуҳидан куюнишдек оддий инсоний фазилат ҳам ноёб бўлиб бораётганидан изтироб чекасан.

Кўпчилик юртдошларим, замондошларим каби мен ҳам ватанимда демократик қадриятларнинг қарор топишини, ҳақиқий кўппартиявийлик, сиёсий, иқтисодий рақобат муҳити пайдо бўлишини истайман. Шу билан бирга халқимиз асрлар давомида топган меҳру оқибат, бағри кенглик, меҳмондўстлик, тантилик каби гавҳарларини йўқотиб қўймасин, дейман. Аслида миллатнинг энг катта бойлиги ана шу гавҳарлардир.

Бир марта яшайдиган дунёда инсон ўз эрки ўзида бўлиб, ғурур билан бош кўтариб юрсин экан. Ҳеч бандаи мўминни ўз халқи, миллати, ватани билан ифтихор қилиш баҳридан бенасиб қилмасин. Оламда бош кўтариб юролмасанг, оламга келмаганинг ҳам дуруст.

Америка Қўшма Штатларига илк бор шўролар замонида сафар қилган эдим. Ўша саёҳатни эслагим келмайди. Негаки, 1988 йили Фарғона воқеалари, «ўзбеклар иши» деб аталган таҳқирли маҳкама дунёга машҳур бўлган эди. Қай даргоҳга қадам қўймайлик, ким билан суҳбат бошламайлик, мавзу айланиб ўша шармандали можароларга тақаларди.

Ҳар бир ҳодисанинг моҳияти таққосда билинади. Ўн уч йил аввалги ҳолат, ўзбекнинг қадру қиммати билан бугунги иззат-икромлар орасида ер билан осмонча фарқ бор.

Ҳар бири бир мамлакат раҳбаридек мавқе ва салоҳиятга эга бўлган, ўз мамлакати президентига ҳам бош эгмайдиган, бильакс норозилигини тикка айта оладиган олтмишга яқин сенаторнинг мамлакатимиз раҳбарига тик туриб узоқ қарсак чалгани, Генри Киссинжердек ўзи тирик тарих бўлган улкан давлат арбобининг И. А. Каримовга «Жаҳон миқёсидаги улуғ давлат арбоби» нишонини топширгани — барча-барчаси ўзбек халқининг ғурурини кўтарадиган, қадри-қийматини улуғлайдиган ҳодисалардир. Бундай лаҳзаларни халқ тарихининг юлдузли онлари дейиш мумкин.

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида имзоланган ҳужжатларни мамлакатимиз Ташқи ишлари вазирига топширар экан, АҚШ Давлат Котиби уларнинг оғирлигига ишора қилгандай қўлида салмоқлаб қўйди. Бу аслида ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятига, ҳар икки мамлакатнинг қабул қилган мажбуриятлари юкига, биргаликда қилинадиган ишларнинг вазминлигига ишора эди.

Олий даражадаги ташриф тарихга айланди. Олдинда улкан режалар, вазифалар бор. Президент И. Каримовнинг Олий Мажлис сессиясида қилган маърузасида ушбу вазифалар тархи белгилаб берилди.

Биз биламизки, мамлакатимиз олдида турган муаммоларни ҳал этиш аввало ўз ишимиздир. Ҳар қанча қудратли бўлмасин бошқа мамлакат бу ишни адо этмайди ва эта олмайди. Демократик қадриятлар, сиёсий, иқтисодий ислоҳотлар ҳам четдан импорт йўли билан келтириладиган товар эмас. Булар энди ҳаммамиз ва ҳар биримизга, ўз истакиродамизга, руҳимизга, тафаккуримизга боғлиқ амаллардир.

Озод эл тоғларни қулатишга қодир бўлади. АҚШ ва бошқа тараққий этган мамлакатлар билан яқинлашув бизга ўтмиш қуюшқонларидан қутулиш, ички занжирлардан халос бўлиш йўлида мададкор бўлажак.

Ташриф навбаҳор фаслида бўлиб ўтди. Бамисоли АҚШ ва Ўзбекистон дўстлик, ҳамкорлик боғига ниҳоллар экдилар. Ният қилайлик: бу ниҳолларнинг мевасини кўриш барчамизга насиб этсин.

СУРАТЛАРДА: Нью-Йорк кўринишлари.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

маҳаллий хомашёни тўлиқ қайта ишлашнинг замонавий технологияларини жадал жорий этиш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва экспорт салоҳиятини кенгайтириш асосида ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини ошириш;

ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ва рақобатбардошлигига қаратилган ёқилғи-энергетика захиралари, ер ва сув ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланишни таъминлаш;

кичик, ўрта ва микро-бизнеснинг ривожланган товарлар ва хизматлар истеъмол бозорини шакллантиришга қўшаётган ҳиссасини ошириш;

ишлаб чиқариш ва транспорт инфратузилмасини, телекоммуникация ва ахборот технологиялари соҳасини жадал ривожлантириш;

барқарор банк тизими ва банкдан ташқари ривожланган молия тармоғини ўз ичига олган яхлит, ўзаро боғлиқ, функционал бозор инфратузилмасини яратиш.

Мазкур устуворликларнинг амалга оширилиши иқтисодиёт тузилмасида ижобий силжишларни таъминлайди ва барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароит яратади. Саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши деярли 2 баробар, кичик ва ўрта бизнес улуши 50 фоизгача, экспорт улуши эса 30 фоизгача ўсади.

2002-2010 йилларда ялпи ички маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиш суръатлари 6-8 фоиз даражасида, саноатда 10-11 фоиз, қишлоқ хўжалигида 6 фоиз ва хизмат кўрсатиш соҳасида 8 фоиз ўсиш бўлиши тахмин қилинмоқда. Асосий капиталга инвестициялар ўсиши йилига ўртача 8-9 фоизни ташкил этади.

Янги иш ўринларининг кўпайиши, меҳнат ресурсларининг иқтисодиётнинг аграр соҳасидан саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасига ўтиши, қичик шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктларида саноатнинг янада ривожланиши, аҳолининг ҳақиқий даромадлари барқарор ўсиб бориши тузилмавий силжишларнинг асосий ижтимоий-иқтисодий натижалари сифатида намоён бўлади.

"Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда тузилмавий ўзгаришлар дастури тўғрисида"ги маъруза лойиҳаси муҳокамаси натижаларига кўра лойиҳани қуйидаги йўналишлар бўйича қайта ишлаш тавсия этилди:

макроиқтисодий моделлаштириш услубларидан фойдаланиш асосида макроиқтисодий кўрсаткичларнинг (ялпи ички маҳсулот, пул массаси, қайта молиялаш ставкаси, алмаштириш курси сиёсати ва бошқалар) комплекс ўзаро боғлиқлиги ва ўсиш суръатларининг ўзаро мослигини таъминлаш ва таҳлил қилиш;

анъанавий экспорт маҳсулотларига дунё нархлари ўзгаришининг сценарий вариантларини ва уларнинг республика ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсирини кўриб чиқиш;

комплекс таҳлил ҳамда халқаро тажриба асосида иқтисодиётнинг ўзига хос етакчи тармоқларини аниқлаш ва уларнинг тезкор ривожланиши учун шароит яратиш;

ишлаб чиқарилаётган ва ишлаб чиқарилиши тахмин қилинаётган маҳсулотга (ишлар, хизматлар) ички ва ташқи талаб ҳамда узоқ муддатли истиқболда унинг ўзгариши масалаларини қўшимча равишда чуқур ўрганиш;

маъруза лойиҳасида янги илм талаб этувчи — ахборот технологиялари, ген инженерияси ва бошқа тармоқлар ривожланиш истиқболларини акс эттириш;

тармоқлар билан биргаликда тузилмавий ўзгаришларни чуқурлаштиришга хизмат қилувчи истиқболли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича аниқ инвестиция лойиҳалари пакети лойиҳасини шакллантириш;

ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг чуқур таҳлили ва уларнинг барқарор ривожланиши бўйича таклифларни ифодалаган ҳолда ҳудудий ривожланиш устуворликларини белгилаш;

мулк шакллари ўзгаришининг кутилаётган суръатини ҳамда бу жараёнларнинг ислоҳотларни ва иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштиришга таъсирини ҳар томонлама таҳлил этиш;

тузилмавий ўзгаришлар дастурининг 2010 йилгача аҳолини иш билан таъминлаш дастури кўрсаткичлари ва демографик ўсиш тахминлари билан боғлиқлигини таъминлаш;

таклиф этилаётган иқтисодиётда тузилмавий ўзгаришлар дастурининг молиявий таъминотини аниқлаштириш.

Комиссия томонидан Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги қошидаги Самарали иқтисодий сиёсат марказига Молия вазирлиги ва Марказий банк тадқиқот марказлари билан биргаликда бир ой муддатда маъруза лойиҳасини қайта ишлаш, тармоқ идоралари раҳбарлари иштирокида қайта экспертизадан ўтказиш ва Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги қошидаги Бирлашган ҳайъатга киритиш вазифаси топширилди.

(ЎзА).

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БЕҒАРАЗ ЁРДАМИ

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигида Корея Республикасининг Халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) президенти Мин Ҳёнг Ки раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда томонлар фавқулодда вазиятларда икки мамлакатнинг тегишли муассасалари ўртасида кенг ҳамкорликни йўлга қўйиш билан боғлиқ масалалар хусусида фикр алмашди.

Жанубий Корея ҳукуматининг Ўзбекистон Фавқулодда вазиятлар вазирлигига ажратган беғараз ёрдами топширилди. Хусусан, вазирликка иккита "тез ёрдам" машинаси, тўртта микроавтобус, тўртта автомобиль, экскаватор, ўн олтита юк ташувчи машина, эллиқта компьютер ва бошқа хил замонавий техник жиҳозлар тақдим этилди.

(ЎзА).

Ер юзининг ҳамма ҳудудларида бир хилда, табаррук маънода тушунилади-ган «меценат» деган сўз бор. Бу — фан ва санъатга ҳомийлик қилувчи давлатманд одам, деган мазмунни англатади.

Исматулла Файзуллаевга ўхшаш ажойиб инсонлар тимсолида мустақил Ўзбекистонда ҳам фидойи меценатлар пайдо бўлаяпти, деб фахр билан сўзласак арзийди.

Исматулла Файзуллаев сумалакнинг ноёб шифобахш кучига беадад ихлос билан ишонади. Бу масала республика тиббий тадқиқотчилигида жиддий ва чуқур ўрганилишининг тарафдори.

Диққат: тажриба!

Дардга даво — сумалак

Шу мақсадга ўз тадбиркорлигидан келадиган озми-кўпми, бор даромадини сарфлашга тайёр. Унинг савобли ташаббуси ҳукумат даражасида ҳам маъқулланди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг республика Онкология илмий марказида хусусий тадбиркор И. Файзуллаев илмий лойиҳасининг амалга оширилиши учун шароит яратилди. Тузилган шартномага мувофиқ лойиҳа муаллифи И. Файзуллаев миллий шифобахш таом — сумалакнинг таркиби, хоссалари ва биологик таъсир кучини аниқлаш бўйича олиб бориладиган илмий-тажриба ишини молиявий жиҳатдан тўлиқ таъминлайди, асбоб-ускуналар, керакли аппаратлар, тажриба ўтказиш учун ҳайвонлар сотиб олиш ва тадқиқот ўтказиш, уларни парваришхона (питомник) шароитида боқиш харажатлари, шу жумладан, илмий ходимларни моддий жиҳатдан рағбатлантиришни ўз зиммасига олади.

Исматулла Файзуллаев бу мажбуриятларни ҳалол адо этиб келяпти. 2001 йилнинг апрель ойидан бошлаб, унинг илмий лойиҳаси асосида республика Онкология илмий марказида тадқиқот ишлари ўтказилмоқда. Сумалакнинг, биринчидан, рак ҳужайралари ўсишини тўхтатиш таъсири, иккинчидан, унинг нурланишга қарши таъсир кучининг даражаси тажриба ҳайвонларида текширилмоқда.

Мазкур илмий лойиҳа муаллифи бундай тадқиқотчиликка ҳомийлик қилишда жаҳон тиббиётидаги тажрибаларга ҳам суянди. Гап шундаки, сўнгги йилларда молекуляр ва ҳужайравий биология тадқиқотчилигида пешқадамлик қилиб келаётган давлатлар — АҚШ ва Россия олимлари униб чиққан буғдой ва бошқа дуккаклилар муртаги таркибидаги баъзи бир оқсил тузилмаларининг антиқа хоссаларини аниқладилар.

2000 йилнинг февраль ойида рус ва венгер олимларининг Москвадаги қўшма конференциясида («Труд» газетаси, 19.02.2000 й.) эса клиника шароитларида буғдой муртагидан тайёрланган малҳам хавфли ўсмаларни даволашда ижобий натижалар берганлиги ҳақида хабар қилинди. Айнан ана шу буғдой муртагининг сувли экстракти (шарбати) бизнинг миллий шифобахш таомимиз сумалакнинг асосий таркибини ташкил этади.

Буғдой муртагидан (ўсимтасидан) олинган экстракт (шарбат) узоқ муддат қайнатилиб (қарийб 12 соат) ва иссиқлик шароитида, тахминан 8 соат димлаб қўйилади. Натижада шарбат таркибидаги эндотоксин (заҳарчан модда) қучсизлантирилиб, антотоксин (заҳарсизлантирилган модда-дори), яъни вакцина (сумалак) ҳосил бўлади. Бу малҳам ионлаштирувчи ва ультрабинафша нурларининг баҳордан бошлаб ноябр биологик таъсири зўрайишига қарши аҳолини фаол иммунлаш, яъни вакцинация қилиш учун қадимдан қўлланилган.

Сумалак шифобахш малҳам-вакцинасининг зарурияти қуйидаги физик-жуғрофий ва атмосфера омиллари билан ҳам изоҳланади: биринчидан, сумалак эрта баҳорда (Наврўзда) тайёрланишнинг сабаби шундаки, айнан ана шу даврда Ер атмосферасининг озонли (ҳимоя) қатлами, яъни ҳалокатли ультрабинафша нурларини ютувчи қатламми камая бошлаши натижасида ионлаштирувчи нурлар ва Қуёшдаги ультрабинафша нурларининг инсонга таъсири кучаяди. Иккинчидан, Ер сатҳигача етадиган Қуёшнинг ультрабинафша нурлари, давом этиши, жадаллиги ва қисқа тўлқинли ультрабинафша нурларининг чегараси ер шарининг турли минтақаларида кескин фарқ қилади ва атмосфера шароитлари ҳамда жуғрофий кенгликларга боғлиқ бўлади. Марказий Осиё ҳудудларида, яъни Ўзбекистонда сумалак малҳами билан вакцинациялаш сабаби шуки, бу ўлка юқори инсоляция (кўп қуёшли кунлар) мавжудлиги ва ҳаво намлиги даражасининг ниҳоятда пастлиги билан ажралиб туради.

Исматулла Файзуллаев ўз илмий лойиҳаси доирасида ҳар тарафлама тадқиқотлар ўтказилиши мақсадини кўзлаб, Онкология илмий маркази лабораториясига 2001 йилнинг март-апрель ойларида республикамизнинг турли туманларидан 24,51 литр ҳажмда 19 хилдан иборат бўлган тажриба маҳсулотлар келтирди. Улар — униб чиққан ҳар хил ўсимтали буғдойнинг сувли экстракти (шарбати) намуналари, шунингдек, Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида тайёрланган сумалак хилларидир.

Биз Онкология илмий маркази лабораториясида ушбу тажрибавий маҳсулотлар устида олиб борилган тадқиқот ва текшириш жараёнлари устида тўхталиб ўтирмаймиз. Яхшиси, дастлабки натижалар тўғрисида гапира қолайлик.

Мутахассисларнинг тасдиқлашича, тажриба жараёнида сумалакнинг хавфли ўсмага қарши фаол таъсир кўрсатиш хусусияти аниқланди. Масалан, хавфли Акатон ўсмаси (ингичка ичак раки) юқтирилган тажриба-жониворларига униб чиққан буғдой экстракти юборилиб, синаб кўрилди. Улардан ҳар бирига 12,0 миллиграмм миқдорда буғдой муртаги шарбати юборилганда хавфли ўсма ўсишининг тўхташи 20,7 фоизни ташкил этди. Шифобахш сумалак препарати бир жониворга 17,6 миллиграмм миқдорда юборилганида унинг соғломлашиш даражаси эса 52 фоизга етди. Меланома В-16 (тери раки) хавфли ўсмаси юқтирилган тажриба ҳайвонларига эса униб чиққан буғдойнинг сувли экстракти (шарбати) юқорида кўрсатилган миқдорда юборилганида рак ҳужайралари ўсишининг тўхташи 40 фоизни ташкил этган бўлса, сумалак юқоридаги миқдорда юборилганида натижа — 56 фоизга етди.

Шуни таъкидлаш жоизки, ўтказилган тажрибалар чоғида рак ҳужайралари ўсишининг тўхташи кўрсаткичлари ҳайвонлар организмига юборилиладиган сумалак миқдорининг ҳажмига бевосита боғлиқ эканлиги ҳам аниқланди. Хавфли ўсманинг ўсишини тўхтатиш кўрсаткичини янада ошириш мақсадида келгуси тажрибаларда тадқиқотларни сумалак хиллари-нинг қўлланиш маромий (оптимал) миқдорини аниқлашга йўналтириш зарурлиги аён бўлаяпти.

Энди сумалакнинг нурланишга қарши таъсир даражасини ўрганиш тўғрисида. Гап шундаки, Республика Онкология илмий марказида кимёвий дорилар ва табиий малҳам — сумалакнинг нурланишга қарши ҳимоялаш даражаларини қиёсий ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказилаяпти.

Маълумки, ҳозирги кунда жаҳон клиника амалиётида нурланишга қарши ҳимоя воситаси сифатида кимёвий дори — цистамин кенг қўлланилмоқда.

Зоти бир хил бўлган тажриба жониворлари учун ҳалокатли бўлган дозада (600 рентген) нурланиш пайтида ҳимоя воситаси сифатида цистамин қўлланилганида 60 кундан кейин уларнинг тирик қолиш сони 60 фоизни ташкил этган бўлса, сумалак қўлланилганида эса 80 фоизга етди. Ниҳоят зоти бир хил бўлмаган тажриба ҳайвонларини ҳалокатли бўлган дозада (700 рентген) нурлантириш пайтида цистамин қўлланилгач, 60 кундан кейин уларнинг ҳаммаси ҳалок бўлган. Сумалак ишлатилганда эса барча жониворлар тирик қолди. Шундай қилиб, миллий шифобахш сумалак маҳсулотининг нурга қарши ҳимоя даражаси ҳозирги мавжуд кимёвий дори — цистаминга қараганда анча юқори эканлиги маълум бўлди.

Хуллас, ўтказилган илмий тажрибалар сумалак миллий шифобахш маҳсулотининг ҳам хавфли ўсмаларга қарши, ҳам нурланишга қарши муайян фармакологик фаолликка эга эканлигидан далолат бермоқда.

Келгусида мазкур маҳсулотдан шифобахш восита сифатида фойдаланишнинг энг оқилона меъёрини, муддатини ва танага юбориш тезлигини аниқлаш галдаги вазифалар ҳисобланади.

Талбиркор-тадқиқотчи Исматулла Файзуллаевнинг ўз илмий лойиҳаси асосида бошланган ишнинг истиқболи самарали эканлигига ишончи қатъий.

Михли САФАРОВ.

Биз сизларга

МУҲТАРАМ ЖАНОБЛАР!

Германиянинг Дессау шаҳрида ишлаб чиқарилган ЦБ-5 русумидаги

РЕФРИЖЕРАТОР СЕКЦИЯЛАРИ

ва хизмат хоналари бўлган

АРВЭ АВТОНОМ РЕФРИЖЕРАТОР ВАГОНЛАРИНИ

ИЖАРАГА, ҳар қандай муддатга 1 дан 6 тагача юк вагонлари билан малакали механиклар ҳамроҳлигида тез бузилиб қоладиган юкларни етказиб беришни таклиф этамиз.

Рухсат бўлмаган ҳолларда юкларга яқинлашиш имконияти йўқ!

Тижорат сири ва юкларнинг бутлиги кафолатланади!

Рефрижератор секцияларининг асосий техник кўрсаткичлари.
Юк хонасининг ички ўлчовлари:
• узунлиги — 17,84 м.; • кенглиги — 2,54 м.; • баландлиги — 2,2 м.
Бир юк вагонининг юк кўтариш қуввати 43 тоннадан 47 тоннагача.
Юклаш майдони — 45 м².
Юклаш ҳажми — 108 м³.
Ташқарида ҳарорат +36°С бўлганида юк хонасида -20°С, ташқарида ҳарорат -50°С бўлганида юк хонасида +14°С.
Хизмат хонаси бўлган АРВЭ автоном рефрижератор вагонларининг асосий техник кўрсаткичлари.
Юк кўтариш қуввати — 24 тн.
Юк хонасининг ўлчовлари:
• узунлиги — 9,8 м.; • кенглиги — 2,6 м.; • баландлиги — 2,2 м.
Юк хонасининг фойдали майдони — 26 м².
Фойдали ҳажми — 56 м³.
Ташқарида ҳарорат +40°С бўлганида юк хонасида -18°С, ташқарида ҳарорат -45°С бўлганида юк хонасида +14°С.

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компанияси «ДорРефТранс» унитар корхонасининг рефрижератор состави учун Козогистон Республикаси ва Россия Федерациясининг ҳудудлари орқали юк ташиш тарифларининг ўзгарувчан чегирма тизими қўлланилади.

Биз юкларингизни қўриқлаган ҳолда ҳар қандай йўналишларда келишилган муддатда етказиб берамиз!

Манзилимиз: 708400, Ўзбекистон Республикаси, Сирдарё шаҳри, Гулистон кўчаси, 301-уй, «ДорРефТранс» унитар корхонаси, Сирдарё рефрижератор вагонлар депоси.
Мулоқот учун телефон: (3673) 57-57-57 (депо директори Аманкулов Оналбай Уралбаевич), факс: (3673) 57-57-57, 57-50-91.

5649/789

ЗАВОДНИНГ РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТЕРИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН

БЕНЗИН ҚУЙИШ КОЛОНКАЛАРИ (НАРА 4216, 2816)

НАРА ТМ

ва ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРНИ таклиф этади.

Завод мутахассислари томонидан ўрнатиб ва созлаб берилади.

1 йилга кафолат берилади.

Тўлов шакли турличе.

Телефонлар: 144-28-44, 144-28-04, факс: 144-28-28

5640/659

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

(Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2002 йил 1 апрелдан 15 апрелгача бўлган маълумот)

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Маҳаллий солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 14 январдаги 14, 2002-9-сон қарори (янги таҳрирда).

2002 йил 8 апрелда 1120-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 18 апрелдан кучга киради).

2. «Транзит божхона режими тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2002 йил 5 апрелдаги 02/20-7 қарори.

2002 йил 10 апрелда 577-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 20 апрелдан кучга киради).

3. «Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат улуши акцияларига (давлат пайига) дивидендлар ҳисобланиши, тўланиши ва улардан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 25 мартдаги 47, 10-1-48, 2002-33-сон қарори.

2002 йил 11 апрелда 1121-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 21 апрелдан кучга киради).

4. «Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти текширувларини мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2002 йил 30 мартдаги 1-сон қарори.

2002 йил 15 апрелда 1029-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 25 апрелдан кучга киради).

5. «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2002 йил 12 январдаги 1/4-сон қарори (янги таҳрирда).

2002 йил 15 апрелда 1122-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 25 апрелдан кучга киради).

6. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинадиган ишлар, хизматларга нисбатан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 28 январдаги 26, 2002-24-сон қарори.

2002 йил 15 апрелда 1123-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 25 апрелдан кучга киради).

7. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинадиган товарларга нисбатан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ва Давлат божхона қўмитасининг 2002 йил 23 январдаги 27, 02/8-2-сон қарори.

2002 йил 15 апрелда 1124-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 25 апрелдан кучга киради).

8. «Нақд қимматбаҳо қоғозларни йўқ қилиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг 2002 йил 13 мартдаги 2002-03-сон буйруғи.

2002 йил 15 апрелда 1125-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 25 апрелдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси банк тизимида қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар билан амалга ошириладиган операциялар ва уларнинг ҳисобини юритиш тартиби. ЎзР Марказий банки томонидан тасдиқланган (1998 йил 11 ноябрда 528-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).

Адлия вазирининг 2002 йил 8 апрелдаги 46-мҳ-сон буйруғи билан чиқарилди.

2. Маҳаллий солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида йўриқнома ва 1-сонли ўзгартиришлар. ЎзР Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (1998 йил 17 июлда 446-сон, 2001 йил 10 январда 446-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).

Адлия вазирининг 2002 йил 8 апрелдаги 47-мҳ-сон буйруғи билан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг электрон маълумотномаларини тарқатиш бўйича йўриқнома. ЎзР Марказий банки томонидан тасдиқланган (1999 йил 16 июнда 750-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).

Адлия вазирининг 2002 йил 8 апрелдаги 48-мҳ-сон буйруғи билан чиқарилди.

4. Корхоналар томонидан давлат улуши акция пакетлари, пайлари бўйича дивидендлардан фойдаланишни назорат қилиш тартиби тўғрисида низом. ЎзР Молия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (1997 йил 24 октябрда 372-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).

Адлия вазирининг 2002 йил 11 апрелдаги 50-мҳ-сон буйруғи билан чиқарилди.

5. Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида низом ва 1, 2, 3-сон ўзгартишлар. ЎзР Марказий банки томонидан тасдиқланган (1998 йил 8 октябрда 496-сон, 1999 йил 13 июлда 496-1-сон, 2000 йил 16 сентябрда 496-2-сон, 2001 йил 24 майда 496-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).

Адлия вазирининг 2002 йил 15 апрелдаги 52-мҳ-сон буйруғи билан чиқарилди.

6. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинадиган товарлар, ишлар ва хизматларга нисбатан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома ва 1, 2, 3, 4-сон ўзгартиришлар. ЎзР Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган (1998 йил 6 ноябрда 520-сон, 1999 йил 16 майда 520-1-сон, 2000 йил 4 январда 520-2-сон, 2000 йил 31 январда 520-3-сон, 2000 йил 12 октябрда 520-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).

Адлия вазирининг 2002 йил 15 апрелдаги 53/54-мҳ-сон буйруғи билан чиқарилди.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:

1. «Ўзбекистон Республикаси банк тизимида қўлланиладиган Марказий банк электрон маълумотларни ишлаб чиқиш, юритиш ва тарқариш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қарори.

Ушбу ҳужжат умумий мажбурий тусга эга эмас, шунинг учун у белгиланган тартибда мазкур идоралар томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин. Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган меъёрий ҳужжатларда амалдаги қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.

IV. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилди:

1. Ишлаб чиқариш чиқитлари ва истеъмолни экологик сертификатлаш қоидалари. Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан тақдим этилган.

2. Маҳсулотларни экологик сертификатлашни ўтказиш қоидалари. Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан тақдим этилган.

3. Технологик жараёнларни экологик сертификатлашни ўтказиш қоидалари. Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан тақдим этилган.

4. Маҳсулотларнинг экологик хавфсизлигини аниқлаш мезонлари тартиби. Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан тақдим этилган.

5. «Ўзбекистон Республикаси банкларида пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қарори.

6. «Ўзбекистон Республикаси Банк Депозитарийларининг Миллий ахборотлар Базаси тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қарори (янги таҳрирда).

7. «Маълумотлар узатиш тармоқлари, шу жумладан интернет хизматлари кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлигининг буйруғи.

8. «Ўзбекистон Республикаси давлат архивлари ўқув хоналарида фойдаланувчиларнинг ишлаш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармасининг буйруғи.

9. «Давлат солиқ хизмати органларида юридик шахслар томонидан давлат бюджетига солиқлар, йиғимлар ва пенсия жамғармасига тўловлар ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг қарори.

10. «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан корхоналар ихтиёрида қолдириладиган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши мониторингини юритиш ва назорат қилиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг қарори.

11. «Ўзбекистон Республикаси Банк Депозиторларининг Миллий Ахборотлар Базасида мижозларга хос рақам бериш ва банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қарори.

12. «Йўловчилар ташиш автовокзаллари (автобекатлари) тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг буйруғи.

Тақдим этилган ҳужжатларда амалдаги қонунчиликка зид қоидалар мавжуд ёки улар меъёрий ҳужжатларга қўйилган талабларга жавоб бермайди. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган меъёрий ҳужжатлар Адлия вазирлигининг хулосалари ҳисобга олинган ҳолда қайта ишланган тақдирда давлат рўйхатидан ўтказиш учун такроран тақдим этилиши мумкин.

V. Давлат рўйхатидан чақириб олинди:

1. «Давлат божи тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ва Давлат божхона қўмитасининг қарори.

Тақдим этилган ҳужжат уни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этган идора томонидан чақириб олинди. Ҳужжат такроран тақдим этилган ҳолда, уни давлат рўйхатидан ўтказиш масаласи белгиланган тартибда кўрилади.

VI. Ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмоқда:

1. «Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ва Давлат солиқ қўмитасининг қарори (янги таҳрирда).

2. «Савдо ҳуқуқи учун йиғим қисмини, шунингдек алкогол ва тамаки маҳсулотлари савдоси ҳуқуқи учун лицензия йиғими қисмини ушбу йиғимлар ундирилишини таъминлаш билан боғлиқ давлат бошқарув идораларининг харажатларини қоплашга йўналтириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг буйруғи.

3. «Депозитар фаолиятни тўхтатиш ва тугатиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг буйруғи.

4. «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бузилишига доир ишларни кўриб чиқиш ва жазо қўллаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг буйруғи.

5. «Тижорат банклари томонидан уй-жой мулкдорлари ширкатларни миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қарори.

6. «Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан ахборотларни очиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг буйруғи.

7. «Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг буйруғи.

8. «Давлат ижтомоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг буйруғи.

9. «50-сон АФМС «Аудиторлик далиллари»ни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг буйруғи.

10. «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича йўриқномаларни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазири буйруғи.

11. «Пахта хом ашёсини саноат йўли билан қайта ишлаш натижасида олинадиган ўсимлик ёғи, шелуха ва кунжарани хўжаликларга қайтариш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг буйруғи.

12. «Молия бозори иштирокчилари — банклар томонидан ахборотларни ошкор қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қарори.

13. «Реэкспорт божхона режими тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг қарори.

Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тайёрланди.
Саволлар ва таклифлар учун телефонлар: 133-38-67, 132-00-28

УМИД НИҲОЛЛАРИ

Машъала йўлга чиқди

Бугун мамлакатимиз ёшларининг дунёда ўхшаши йўқ байрамига ўзгача руҳ бағишлайдиган спорт ўйинлари машъаласи Паркентдан Фарғона томон йўлга чиқди. У баланд тоғлар бағрида жойлашган "Физика-Қуёш" илмий ишлаб чиқариш марказининг 2600 даражали ўчоғида офтоб нурларидан ёқилди.

—Машъаланинг ёлқинланиб турувчи алангаси Президентимизнинг "Шу азиз Ватан учун ёниб яшайлик!" деган даъватларидан руҳланган оловқалб ёшларнинг "Лаббай" деб турган жавобларининг рамзидир, — дейди ушбу қурилмани тайёрлаган Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти марказий кенгаши раисининг ўринбосари Шариф Мўминжонов.

Тилга олганимиз илмий ишлаб чиқариш маркази жамоаси ҳам машъалани тантанали ёқиш маросимига алоҳида тайёргарлик кўрди. Зеро, ушбу жараён унинг бевосита гувоҳи бўлган 400 нафар ўқувчининг ҳаётида ўчмас из қолдириши шубҳасиздир. Маросимда мамлакатимизнинг барча минтақаларидан тўпланган энг иқтидорли, билимли, намунали ўқувчилар иштирок этдилар. Улар кўпчилик тилига тушган "Кумушкон" сиҳатгоҳида бир неча кун яшаб дўстлашдилар. Машҳур спортчилар қўлидан машъалани қабул қилгач, олтин водийга отландилар.

Олдиндан белгиланган аниқ йўналиш бўйича ҳаракат қилаётган спортчилар етиб борган аҳоли гавжум жойларда турли учрашувлар, беллашувлар ташкил қилинади, куй-қўшиқлар янграйди. Шу тариқа қуёшдан нур олган машъала мусобақалар марказига етиб боради. Дилбар Фарғонада эса муросасиз баҳслардан ташқари кўплаб маданий тадбирлар уюштирилади.

Озод БЕК,
"Халқ сўзи" мухбири.
Бурҳон РИЗО олган суратлар.

МУНТАЗИРМИЗ

— дейди фарғоналик мутасаддилар ва ҳомийлар

Республикамиз мактаб ўқувчиларининг оммавий спорт байрами —«Умид ниҳоллари» мусобақалари бошланишига ҳам саноқли кунлар қолди. «Халқ сўзи» мухбири мазкур мусобақалар ўтказилиши муносабати билан белгиланаётган маданий-маиший тадбирлар, кўнгилочар томошалар ҳақида айрим мутасаддилар билан гурунглашди.

Тўлқин СОБИРОВ, вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи:

— Фарғонага ташриф буюраётган мамлакатимиз спортининг эртанги эгалари, бўлғуси олимпиадачилар фақат майдонларда, ареналарда, сузиш ҳавзаларида беллашув ўтказибгина қолмай, кўнгилли дам олишлари, сўлим водийнинг кўнгилочар жойлари, тарихий обидалари билан танишишлари учун кўплаб тадбирлар белгиланган. Айниқса, Аҳмад ал-Фарғоний боғида ўтказиладиган «Гўзал Фарғонам менинг» театрлаштирилган томошалари қатнашчиларга манзур бўлади, деб ҳисоблаймиз. Мусобақалар ўтказиладиган Фарғона, Марғилон шаҳарлари, Қирғули ва Фарғона туманларида эса ўқувчи-спортчиларнинг «Келинг, танишайлик ва дўстлашайлик» мавзуидаги кечалари ҳам дастуримизга киритилган. Мусобақанинг сўнгги кунлари ўтказиладиган «Шу азиз Ватан — барчамизники» шоу-концертида таниқли санъат усталари Ватан, истиқлол ёшлик ҳақидаги куй-қўшиқларни ижро этадилар. Қатнашчилар дам оладиган, ҳар бир манзил, ётоқхоналарда ёшлар дискотекаларини ташкил қилиш учун махсус дастур ишлаб чиқилди.

Ғуломқодир МАМАЖОНОВ, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раиси:

— «Умид ниҳоллари» мусобақалари нафақат спортчи ёшлар, балки вилоятдаги барча мактаб ўқувчиларининг ҳам орзиқиб, энтикиб кутаётган байрамларидан биридир. Мазкур тадбирга «Камолот»чилар ҳам катта тайёргарлик кўришяпти. Тошлоқ туманида «Умид ниҳоллари 2002» деб номланган боғ ва хиёбон ташкил этилди. 6,5 гектар майдонни ўз ичига олган бу боққа ҳозирга қадар 2 минг туп ёнида манзарали ва мевали кўчатлар ўтқазилди. Мазкур боққа мамлакатимизнинг барча вилоятларидан қатнашчилар ташриф буюриб, ўз қўллари билан кўчатлар ўтказишади. Бундан ташқари, биз мусобақа қатнашчиларини вилоятимиздаги энг олис қишлоқлардаги мактаб ўқувчилари ҳаёти, ўқишлари, фаолиятлари билан яқинроқ таништириш тадбирларини ҳам белгилаб қўйганмиз. Шу билан бирга Қувасой шаҳридаги чинни буюмлари ҳамда Марғилон ҳунармандчилигининг энг қадимий намуналарини сақлаб қолган «Ёдгорлик» корхоналарига саёҳатлар уюштиришни ҳам режалаштириб турибмиз.

Рустам МАДАЛИЕВ, «Фарғонатранс» акциядорлик жамияти бошлиғи:

— Мусобақа иштирокчиларининг хавфсизликларини таъминлаган ҳолда ўз вақтида мусобақалар ўтказиладиган ўйингоҳларга олиб бориш, ётоқхоналарга қайтариб келиш, уларнинг кўнгилли саёҳатларини уюштиришга камарбаста бўлиш бизнинг зиммамизга юкланганидан беҳад мамнунмиз. Шуниси қувончлики, ҳиссадорлик жамияти мусобақалар бошланиши арафасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган 48 та янги «Отайўл» автобусларини сотиб олди. Шу охори тўкилмаган автобусларнинг ҳаммаси ёш спортчиларга хизмат кўрсатади. Бундан ташқари, 20 та «Дамас» микроавтобуси улар хизматига шай бўлиб турибди. Ҳар бир машина «Умид ниҳоллари — 2002» мусобақаларининг лавҳалари, спорт турлари зикр этилган кўргазмалар, плакатлар билан жиҳозланган.

«Халқ сўзи» мухбири
Набижон СОБИР
ёзиб олди.

Қўшхабар

Қалбга чўғ солган учрашув

Қайси йигит ҳарбий либос кийишни орзу қилмайди дейсиз? Олий ҳарбий билим юртларига кириш истагида юрганлар-чи? Бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам курсант деган номга эришавермайди.

Навоий шаҳридаги «Ширин» маданият саройида Олий ҳарбий билим юртлари ўқитувчилари, вилоят мудофаа ишлари бошқармаси вакиллари билан ҳарбийликка орзуманд йигитлар ва уларнинг ота-оналари иштирокида бўлиб ўтган мулоқотда шу ҳақда сўз борди. Олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти, Чирчиқ Олий танк қўмондонлик муҳандислари билим юрти, Тошкент электротехника алоқа институти ҳарбий муаллимлари курсантликка қабул шартлари, тайёргарлик жараёни тўғрисида гапирдилар.

Вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи О.Умрасуловнинг айтишича, ушбу тадбир кўплаб ёшлар қалбига чўғ солди. Буни қизиқарли савол-жавоблару, навқирон йигитларнинг фикр-мулоҳазаларидан ҳам билиш мумкин эди.

«Саломатлик» поезди чўл кезади

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг «Саломатлик» поезди Навоий вилоятида даволаш-профилактика ишларини бошлаб юборди. Юқори малакали мутахассислар жалб этилган мазкур гуруҳ Конимех, Томди, Учқудуқ туманлари ва Девгистов, Мурунтов сингари қўрғонларда яшаётган аҳолини тиббий кўрикдан ўтказади. Мутахассислар кўригига биринчи навбатда қариялар, ногиронлар ва ёлғиз кишилар жалб этилади.

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Таэквандо-ITF

Бир ўйлаб кўринг-а, 9-10 ёки боринг ана 12 яшарлигингизда қайси бир катта воқеанинг гувоҳи бўлгансиз? Халқаро миқёсдаги қайси спорт байрамининг бевосита иштирокчисига айлангансиз? Чет давлатлардан қай бирига бориш, қайси машҳур кишиларга учрашиш насиб қилган? Бундай саволларга кўпчилик "Э-э, қаёқда" деб жавоб бериши тайин. Ҳатто туғилган қишлоғим ёхуд шаҳримдан нарини кўрмаганман, дегувчилар ҳам топилади. Хўш, Ўзбекистоннинг бугунги болалари-чи? Улар юқоридаги каби саволларга нафақат "Ҳа" деб жавоб берадилар, балки Ватан байроғининг баланд ҳилпираши учун қандай курашмоқ кераклигини, спортчининг ғалабаси шарафига не сабаб она юрт туғи кўтарилишини кундан-кунга чуқурроқ англаб бормоқдалар. Ёшлар ўртасида ўтказилаётган ҳар бир мусобақа фикримизнинг далили бўлиши мумкин.

МАЙДОНГА ЧИҚИШАР БЕЛИНИ БОҒЛАБ

Куни кеча пойтахтимиздаги "Жар" спорт мажмуида таэквандонинг ITF йўналиши бўйича ташкиллаштирилган мамлакат чемпионатида 1500 га яқин спортчи (9-16 ёш) қатнашди. Майдонга белини маҳкам боғлаб чиқадиган таэквандочилар иштирокидаги мусобақаларнинг анъанавий шиори бор: "Биз гиёҳвандликка қаршимиз!". Бу шунчаки оғзаки даъват бўлиб қолмай, Пўлат Усмонов бошчилигидаги республика Таэквандо ассоциацияси мутасаддиларининг амалий фаолиятида ҳам кўринади.

Болаларнинг кўргазмали чиқишлари билан бошланган байрам спортчи ёшларни табриклагани келган таниқли санъатқорлар томошасига айланиб кетди. Энг жажжи спортчилар мириқиб рақс тушдилар. Шундан сўнг П.Усмонов мамлакатимизда таэквандони ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётган бир гуруҳ кишиларга ассоциациянинг эсдалик совғаларини топширди. Жумладан, Осиё таэквандо федерацияси вице-президенти бўлган ҳамюртимиз Шомурод Шофайзиев ҳам ана шундай кубок ва Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Чемпионатда пойтахт шаҳар ҳамда Тошкент, Андижон, Фарғона, Наманган, Бухоро, Жиззах, Самарқанд вилоятлари вакиллари юқори натижаларга эришдилар.

— Беллашувга 100 нафар ёшларни олиб келдик, — деб гап бошлайди Фарғона вилояти таэквандо федерацияси президенти Қосимбек Исмоилов. — Мусобақаларнинг биринчи куниёқ уларнинг 12 таси олтин, 8 нафари кумуш медални қўлга киритди. "Амир Темур", "Қўқон — Тараққиёт" сингари ўнлаб клубларимизда 8000 нафардан ортиқ ўсмирлар шу спорт тури билан шуғулланяпти. Уларнинг аксарият қисми ғолиблик нашидасини сураётгани Бобобек Казаков, Шокир Баҳодиров, Комил Ураимов каби мураббийларимиз меҳнатининг самараси, албатта.

Бир вақтнинг ўзида 5 та татамида ташкиллаштирилган баҳсларда "Косонсой" клуби аъзолари ҳам 10 та медални қўлга киритишди. Клуб раҳбари Жўрабек Болтабоев эса шогирдларининг ютуғида уларга намунали шароит яратишга кўмаклашаётган туман прокуратураси ва "Косонсой — Текмен" қўшма корхонаси

мутасаддиларининг ҳиссаси борлигини яшармади.

"Шарқ дурдонаси" (Тошкент шаҳри) клуби аъзоси Дима Мингалиев 55 килограмм вазн тоифасида финалгача етиб келиб, кумуш медаль эгасига айланди. Унинг устозлари Сабоҳат Сотволдиева ҳамда Илҳом Сармоновларнинг мамнуният билан айтишларига қараганда, бу иқтидорли йигитча келажакда жаҳон чемпиони бўлади. Диманинг чапдаст ҳаракатларини кузата туриб биз ҳам бу ёруғ тилакка қўшилдик.

Татами чеккасида ёш спортчилар учун жон куйдираётган яна икки кишини суҳбатга тортдим. Бири Фахриддин Умаров, "Бектемир" клуби бошлиғи. Унинг шогирдлари мусобақанинг биринчи куни 5 та олтин, 1 та кумуш медаль олишибди. Бу биз учун кам, дейди устоз. Иккинчиси Акмал Алиев. Бу мураббий Андижондан 22 нафар ўғил-қиз билан келибди. Иккита шогирди (Н.Собиржонов ва Ф.Узоқов) финалда бир-бирига рўбарў келганидан қувончда у. Яна бири — Лазиз Каримов эса кумуш медаль билан қайтди.

Таэквандочиларнинг навбатдаги байрами — Осиё чемпионатига саралаш баҳслари 10-11 май кунлари Гулистонда бўлади.

О. РАЖАБОВ,
«Халқ сўзи» шарҳловчиси.
Муҳаммад АМИН (ЎзА)
олган суратлар.

Нега шундай деймиз?

«САВР — ЭКИНЛАРГА ДАВР»

Савр арабча сўз бўлиб, қуёш йили ҳисобидаги иккинчи ой номини билдиради. Ҳозир биз амал қиладиган тақвимга қиёсласак, 22 апреллдан 21 майгача бўлган даврни ўз ичига олади. Агар ундан олдинги Ҳамал ойида табиат қиш уйқусини тарк этиб, набототга жон бита бошласа, Саврда улар тағин-да барқ уриб ўсади. Эртапишар экинлар мева ва ҳосил тугади. Шунга кўра, халқимиз "Савр кирди — экинларга давр кирди", дейди. Айни чоғда, уни ёмғирлар фасли деб ҳам аташади. Негаки, бу ойда ёғингарчилик нисбатан кўп бўлади. Савр ёмғири деярли барча экинларга, айниқса, ғалла ва ўт-ўланларга фойдалидир. Шу боис деҳқонлар ва чорвадорлар уни олтинга менгзашади. Ҳақли равишда "Савр ёмғири — сари(қ) олтин", "Савр келса, кун гуркирар. Кун гуркираса, кўк дуркирар", "Савр туғса, сайр туғади", дейишади.

Бироқ, "Ҳар тўқисда бир айб" деганларидек, Саврнинг ўзига хос инжиқликлари ҳам бор. Улар, аввало, об-ҳавонинг дамбадам кескин ўзгариб туриши билан боғлиқ. Гоҳо қунлар бирданига исиб кетса, гоҳо батамом тескариси бўлади. Эрталаб қуёш чарақлаб турган осмонни кечга бориб қутилмаганда қоп-қора булут қоплайди. Момақалдироқ гулдираб, чақмоқ чақади. Ортидан шаррос ёмғир қуяди. Баъзан кучли шамол ёки бўрон қўзғолиб, жала ва дўл ёғиши, ҳатто сел келиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Ота-боболаримиз Саврнинг ана шу хусусиятларини ҳам назардан қочирмаганлар. Рамзий маънода "Саврнинг ўтидан Ҳамалнинг тафти яхши", "Саврнинг саноғида қишнинг ёғини бор" сингари нақлларни ҳам яратганлар.

Кўриб турибсиз, бу йилги Ҳамал ёғин-сочинга анча бой бўлди. Дов-дарахтлар, майса-ю ғаллалар оби ҳаётга ҳўп тўйинди. Қани, кўрайлик-чи, Савр қандай келаркин?..

Абдунаби ҲАЙДАРОВ
тайёрлади.

САВОЛ БИЗДАН...

Бандар-Сери-Бегаван шаҳри қайси давлатнинг пойтахти ҳисобланади?

136-35-60

Ўтган сонда берилган саволнинг жавоби:

Ернинг энг пастки нуқтаси Ўлик денгиз қирғоғида, денгиз сатҳидан 393 метр қуйида.

«Ўзбек-Лада» автосалонида 15 апрелдан «Матиз» автомобили ютуғи ўйинида иштирок этадиган 250та автомобилларни сотиш бошланди.

«Ўзбек-Лада» автосалонидан «ЎзДЭУавто»да ишлаб чиқарилган ҳар қандай автомобилни харид қилиб, совғага «Матиз» автомобили ютуғи соҳиби бўлишингиз мумкин. Ютуқнинг бахтли эгаси бўлишни истасангиз шошилинг!

Ўйин шартлари:

- ўйинда 2002 йил 15 апрелдан «Ўзбек-Лада» автосалонида харид қилинган дастлабки 250 автомобиль иштирок этади;
- ютуқ соҳиби сотилган автомобилларнинг кузов рақамлари бўйича ўтказилган лотерея ўйини натижаларига кўра аниқланади;
- автомобиль сотиб олган ҳар бир харидор ўйин иштирокчилари рўйхатига киритилади;
- «Матиз» автомобили ўйинида иштирок этадиган автомобилларнинг кузов рақамлари «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида чоп этилади.

Маълумот учун телефонлар: 120-77-44, 120-77-46, 173-26-23.
Бизнинг Интернетдаги сайтимиз www.uzbeklada.uz

«ELSUN-FARMBUYUM» ҚЎШМА КОРХОНАСИ АЛЮМИН БУРАМА
ҚАЛПОҚЧАЛАРНИ
D28, H18; D20, H15 ЎЛЧАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ ВА СОТАДИ.
Товар сертификатлаштирилган (SSUZ 01 SO 296049). Жаҳон стандартларига жавоб беради.
Тўлов — пул ўтказиш йўли билан.
Тел./факс: (998-71) 161-10-34, 161-11-09.
Тел.: (998-71) 188-12-71, 188-12-70, 187-28-76, 144-60-74.

"ЎЗҚУРИЛИШМАТЕРИАЛЛАРИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИГА ҚАРАШЛИ
"ТОҒ-ГЕОЛОГИЯ ЖАМЛАМА ЭКСПЕДИЦИЯСИ" ОАЖ
республика миқёсида норуда фойдали қазилма бойликлар захираларининг қидирув ишларини олиб боради ва доимий ишга қуйидаги мутахассисларни ТАКЛИФ ЭТАДИ:
- геологлар;
- экологлар;
- кимёгарлар;
- тоғ инженери;
- бурғулаш техникаси, транспорт бўйича механик;
- ҳайдовчилар (В.С.Д.Е.);
- бурғулаш устаси.

МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Суқрот кўчаси, 13-уй, 311-хона.
МЎЛЖАЛ: «Қардошлик қабристони» бекати. Автобуслар: 38, 57, 58, 69, 79. Троллейбус 13.
Тел.: 50-02-95.

Тошкент шаҳар, А. Икромов тумани Давлат солиқ инспекциясининг UZ-2 серияли №396851-396875 рақамли 25 дона паттаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси шу комиссия аъзоси Й.Сулаймоновга турмуш ўртоғи **ОРЗУХОН ҳожи ая Исоқхон қизининг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент давлат иккинчи тиббиёт институти жамоаси «Болалар касалликлари» қафедраси профессор-маслаҳатчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач, I даражали «Соғлом авлод учун» ордени нишондори **Маннаф Атаматович МИРЗАМУҲАМЕДОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телеканали жамоаси «Иқтисод» студияси катта муҳаррири Нодира Пўлатовага отаси **Мелибой ота ТЎХТАЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбекэнерго» Давлат-акциядорлик компанияси раҳбарияти ва жамоаси Фарғона электртармоқлари шўъба корхонаси директори Шуҳрат Каримовга умр йўлдоши **Табассумхон КАРИМОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети жамоаси «Информатика ва информацион технологиялар» кафедраси катта ўқитувчиси Абдураҳим Охуновга онаси **Зоҳида ОХУНОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Миср дўстлик жамияти жамоаси Миср Араб Республикаси миллий қутубхонаси қўлёзмалар бўлимининг собиқ бошлиғи, Айнуш Шамс университети профессори ва Тошкент давлат шарқшунослик институти фахрий доктори, мисрлик ватандошимиз **Насруллоҳ Мубошир Ат-ТАРОЗИЙнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва барча яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбексавдо» акциядорлик компанияси бошқаруви ва жамоаси савдо фахрийси **Ҳамид Ҳасанович ҲАСАНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001. Буюртма Г — 376. 34017 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид ТОҒАЕВ ва Зокир БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
Ⓒ -Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.
Навбатчи — У. Файзиева.
Мусаҳҳиҳ — О. Абдуазимов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 топширилди: 22-00 123456